**Ушбу сонда:**

2 ТУНГИ СМЕНАДА ИШЛАШНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ

3 ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

4 *Интилганга толе ёр* НУКУСЛИК ПОЛВОН



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 8 ноябр, сешанба № 180 (2021)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

### М.Р.Куччиевни Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Мирзамашрап Раззокович Куччиев Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 7 ноябр

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

### К.Н.Тўлагановни Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Козим Носирович Тўлаганов Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 7 ноябр

# МАВЖУД САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ - МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

## Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли депутатлар!

Муҳтарам юртдошлар!

Авваламбор, бугун сиз, азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, сизларга, сизлар орқали бутун вилоят аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сиз, халқ ноиблари, вилоят ва туман раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан бўладиган ҳар қандай учрашув, суҳбат ва мулоқотлар, фикр алмашишлар бугунги долзарб ва муҳим муаммоларнинг ечимини топиш, тегишли режалар тузиш учун замин туғдиради, керакли хулосалар чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода, бундай учрашувларни мен ўзим учун доимо катта бир масъулият деб қабул қиламан.

Бугунги учрашувимиз ҳам тасодифий эмаслигини, бунга муайян сабаблар борлигини, албатта, ҳаммангиз яхши биласиз, деб ўйлайман. Ўз-ўзидан равшанки, вилоят олдида турган ғов-тўсиқларни бартараф этиш, ечимини кутаётган қатор муаммоларни ҳал қилиш зарурати шу мажлисни ўтказишни тақозо этмоқда.

Шунинг учун ҳам ушбу сессия кун тартибига қўйилган масаланинг Тошкент вилояти ҳаёти, эртанги кунига бевосита дахлдор эканини чуқур англаган ҳолда, мажлисда қатнашаётган депутатлар бўладими, вилоят фаоллари бўладими, барчамиз бу масалага масъулият билан ёндашамиз, деб ишонаман.

Биз бундан салкам икки йил аввал мана шундай мақсад ва ниятлар билан шу залда йиғилиб, Тошкент вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, вужудга келган жиддий муаммоларни ечиш йўллари ҳақида атрофлича гаплашиб олганимизни ҳаммамиз яхши эслаймиз.

Ўша пайтдаги ўзаро самимий руҳ, очиқ ва амалий фикр алмашувлар, танқидий мулоҳазалар ва айни пайтда сизлар билан катта-катта режаларни белгилаб олганимиз ҳам, ўйлайманки, ёдимизда.

Лекин, минг афсуски, бугун ана шу масалалар тўғрисида яна куюниб гапиришга тўғри келмоқда. Ва бунинг албатта аниқ сабаблари борлигини, холисона қараганда, барчамиз яхши тушунамиз.

Келинг, азиз дўстлар, биродарлар, бу ҳақда сўз юритишдан аввал Тошкент вилоятининг салоҳият ва имкониятлари ҳақида батафсил гаплашиб олайлик.

Вилоятда қайси соҳани - қишлоқ хўжалиги ёки саноатни оласизми, қурилиш, хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа ёки интеллектуал бойликларни оласизми, энг муҳими, кўпни кўрган, юқори малакали кадрларни оласизми - бу ердаги имкониятлар ҳақиқатан ҳам улкан эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Лўнда қилиб айтганда, табиий шароит ёки тупроқ унумдорлиги, сув ва моддий ресурслар нуқтаи назаридан бошқа ҳудуд ва минтақалар билан солиштирганда Тошкент вилоятига кўпроқ имконият ато этган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Айниқса, вилоят деҳқонларининг миришкорлиги ва омилкорлигини ортиқча таърифлаб ўтиришнинг, ўйлайманки, ҳожати йўқ.

Бугунги кунда юртимиздаги энг йирик, номи нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам машҳур корхоналар қаерда - Тошкент вилоятида. Уларда меҳнат қилаётган минглаб ишчи, муҳандис ва мутахассислар ўзининг ноёб малака ва тажрибаси билан ажралиб туради.

Бу ердаги мавжуд моддий-техник база, замонавий йўллар, ривожланган коммуникация тармоқлари, табиий газ, сув билан таъминлаш масалалари бўйича ҳам вилоятнинг имкониятларига ҳавас қилса арзийди.

Бутун юртимизда бўлгани каби сўнгги йилларда Тошкент вилоятида ҳам кўпгина соҳа ва тармоқларда, аксарият туман ва шаҳарларда, иккиланмасдан айтиш мумкинки, маълум ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Айниқса, «Олмалиқ кон-металлургия», «Ўзбекистон металлургияси», «Ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар» комбинатлари, «Аммофос», «Электрокимёсаноат», «Оҳангарон-цемент», «Лаззат» акциядорлик жамиятлари, Ангрен кўмир конлари каби йирик ишлаб чиқариш қувватлари нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Шу борада Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 2004 йилда барча асосий кўрсаткичлар бўйича режалар бажарилиб, 642 миллион сўмлик истеъмол товарлари тайёрлашга эришилганини, жами маҳсулотнинг 65,5 фоизи экспорт қилингани, маҳаллийлаштириш дастурига асосан қўрғошин ва ферромарганец ишлаб чиқариш лойиҳалари тўлиқ ўзлаштирилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундай ижобий ўзгаришларни қишлоқ хўжалигида, хусусан, унинг етакчи тармоғи бўлмиш пахтачилик ва ғаллачиликда ҳам кўриш мумкин.

Бундай ютуқларга эришишда Чиноз, Бекобод, Қуйи Чирчиқ ва Оққўрғон, Юқори Чирчиқ ва Бўка, Ўрта Чирчиқ туманлари меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшганини айтиб ўтиш керак.

Вилоятда зарар кўриб ишлаётган паст рентабелли ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда. Масалан, Бекобод туманидаги «Бекобод» ширкат хўжалигида 2003 йили 1 минг 766 тонна пахта хомашёси тайёрланиб, шартнома режаси 61 фоизда қолиб кетган эди.

Жорий йилда ана шу ширкат негизида ташкил этилган фермер хўжаликлари томонидан жами 3217 тонна пахта ҳосили етиштирилиб, ҳосилдорлик икки баробарга ошгани фермерлик ҳаракатининг нақадар истиқболли эканини тасдиқлаб турибди.

Ёки Чиноз туманидаги Муқим Эрхўжаев бошчилик қилаётган Муқимий номидаги фермер хўжалиги пахта ҳосилдорлигини 47,7 центнерга етказиб, шартнома мажбуриятини 190,6 фоизга бажарган. Шунинг ҳисобидан бу йилги даромади 119 миллион сўмни ташкил этган.

Бундай мисоллар фермерларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги тобора ортиб бораётгани ишда ҳал қилувчи омил бўлаётганини кўрсатади.

Кейинги йилларда вилоят бўйича қурилиш ва ободончилик соҳасида 21 миллиард сўмлик иш бажарилганини айтиб ўтиш ўринли.

Шу йилнинг 1 ноябригача 5 та янги мактаб қуриб фойдаланишга топширилгани, 39 та мактаб капитал реконструкция қилингани, 37 таси капитал, 11 таси эса жорий таъмирдан чиқарилгани, бу борада Бўстонлиқ, Чиноз, Паркент, Зангиота туманларида, Янгийўл ва Ангрен шаҳарларида ибратли ишлар амалга оширилгани эътиборга сазовор, албатта.

Бугунги кунда вилоятда жойлашган йирик саноат корхоналари бўлмиш Бекобод, Янгийўл ва Ангрен шаҳарлари ҳамда Бўка, Чиноз, Тошкент туманларининг марказларида ҳам ҳомийлар иштирокида ҳашар йўли билан бажарилган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари натижасида уларнинг қиёфаси ўзгариб бормоқда.

Айниқса, Чирчиқ шаҳрида «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш жараёнида Тошкент-Чирчиқ йўналишида 17 километрлик автомобиль йўли капитал таъмирлангани, Чирчиқ дарёси устидан 234 метр узунликдаги кўприк қуриб битказилгани аҳолининг узоғини яқин этишга хизмат қилади.

Айни пайтда Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида 13,5 минг кишига мўлжалланган стадион, очиқ ва ёпиқ замонавий сузиш ҳавзалари, 3 минг томошабинга мўлжалланган спорт манежи қурилгани ана шундай ижобий ишлар жумласидандир.

Бундай кенг кўламли ишларни амалга оширишда «ТошГРЭС қурилиш» ва «ЧорвоқГЭС қурилиш», «Бунёдкор» қурилиш фирмаси, «Ўзбек-шахта-қурилиш» каби ташкилотларнинг улуши айниқса салмоқли бўлаётганини қайд этиш жоиз.

Вилоят аҳли эришаётган бундай натижалар мисолида аввало мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини, яъни одамларнинг ерга, мулкка, ҳаётга муносабати ўзгариб, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси, эгалик ҳиссиёти ортиб бораётганини кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда одамлар астойдил ишлаяпти, қанча-қанча жамоалар таҳсинга сазовор ишларни амалга оширяпти.

Лекин, шу билан бирга, Тошкент вилоятида мавжуд бўлган, юқорида зикр этилган катта салоҳият ва имкониятлар тўлиқ ишга солиняптими, деган саволга, минг афсуски, ижобий жавоб бериш қийин.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, бундай улкан салоҳиятдан оқилона фойдаланиб, уни тўғри ишлатганда, одамларнинг қалбига йўл топиб, бугун замон талаб қилаётган самарали бошқарув усулларини жорий этган тақдирда, ҳеч шубҳасиз, Тошкент вилоятининг ҳисоботи кўриладиган мана шундай йиғилишларда фақат ғурур ва ифтихор билан гапириш ўринли бўлар эди.

Бироқ, вилоятнинг кейинги йилларда эришган натижаларига баҳо берадиган, уларни мамлакатимизнинг умумий иқтисодий ривожланиши, бошқа вилоят ва минтақалар билан таққослайдиган бўлсак, очиқ айтиш керак, мавжуд ҳолат кўпчиликни, авваламбор, шу ерда яшайдиган инсонларни қониқтирмаслиги муқаррар.

Таассуфки, биз ҳавас қиладиган марраларни қўлга киритишда Тошкент вилояти ҳамон ожиз бўлиб қолмоқда. Энг афсусли томони шундаки, биз бу ҳақда биринчи марта гапираётганимиз йўқ.

Ҳозирги кунда вилоят ҳаётида, унинг ривожида кўпгина хато- камчиликларга йўл қўйилаётгани, биринчи галда, одамларнинг норозилигини уйғотаётган салбий ҳолатлар, вилоят ва туман раҳбарлари, мутасаддилар фаолиятидаги лоқайдлик ва ўзибўларчилик кайфияти ҳеч кимни бепарво қолдирмаслиги табиий.

Бундай нохуш ҳолатларни вилоят иқтисодиётининг бир қатор соҳа ва тармоқларида кузатиш мумкин.

Саноат соҳасини олайлик. Вилоят бўйича ишлаб чиқариладиган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг қарийб 30 фоизи айнан шу соҳага тўғри келади.

Аммо ҳозиргача аксарият саноат корхоналари бозор иқтисодиётининг кескин талабларига ҳали-бери мослаша олмаётганини таассуф билан айтишга мажбурмиз.

Мавжуд 102 та корхонадан 37 таси ёки 36 фоизида ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига йўл қўйилгани ва бунинг оқибатида салкам 77 миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилгани, бошқача айтганда, шунча бойлик қўлдан чиқарилгани, одамни бепарво қолдириши мумкинми?

Қанча маблағ ва ҳаракатлар эвазига барпо этилган «Медиз», «Ўзмедкоттон», «Чиноз тўқимачи» сингари қўшма корхоналар, «Болалар таомлари» ва «Паллада Восток» корхоналари айланма маблағлар ҳамда хомашё етишмаслиги туфайли тўла қувват билан ишламаяпти.

Умуман, вилоятда хорижий сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 225 та корхонадан 43 таси фаолият кўрсатмаётгани ҳам жиддий муаммо бўлиб турибди.

Давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг йўл очиб берилаётганига қарамасдан, вилоятда бу масалада ҳам сезиларли силжиш кўзга ташланмаяпти.

Вилоятда кичик бизнес субъектларининг ҳудудий ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 31,6 фоизни ташкил этади. Аммо уларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси жуда кам - атиги 8 фоиз, экспорт бўйича 7 фоиз даражасида қолмоқда.

Бу эса тадбиркорлик тузилмаларининг аксарияти ишлаб чиқариш билан эмас, кўпроқ олди-сотди ва тижорат билан шуғулланаётганидан далолат беради.

Тошкент вилоятида шу йилнинг 9 ойи давомида ташқи савдо айланмасининг ўсиш суръати 120,9 фоизни, экспорт - 110 фоизни ташкил этгани ҳолда, импорт ҳажми 143 фоизга кўтарилиб кетгани бизнинг иқтисодиёт соҳасидаги мақсадларимизга албатта жавоб бермайди.

Вилоятга четдан олиб келинаётган товарлар таркибида текстиль маҳсулотлари, цемент, гипс, алебастр, совун ва кир ювиш воситалари, ўсимлик ёғи, чинни ва сантехника буюмларининг улуши юқори экани бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришга ундайди.

Беихтиёр савол туғилади: нима, бу товарларни ўз корхоналаримизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш қийинми? Масалан, Тошкент воҳасида техника воситалари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга мослашган «Резина техника», «Интермаш», «Чирчиқ металл конструкция заводи», «Ангрен газмаш» ва «Трансформатор» каби корхоналар бўлгани ҳолда, бундай маҳсулотлар ҳам четдан келтирилмоқда.

Агар бундай ҳолат давом этаверадиган бўлса, биз ўзимизнинг эмас, чет эл корхоналарини ривожлантирган бўламиз, ўзимизда эмас, хорижий мамлакатларда иш ўринларини кўпайтирган бўламиз.

Энг ёмони, не-не машаққатлар билан топган валюта маблағларимизнинг четга чиқиб кетишига йўл қўйган бўламиз. Ваҳолонки, бутун дунёда ҳар қайси давлат, ҳар қайси мамлакат аввало ўзидаги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, уларнинг йўлини очиб беришга ҳаракат қилади.

Албатта, бу масалада мен сизларга қандайдир янгилик очиб бераётганим йўқ, бу ҳақда илгари ҳам кўп гапирганмиз. Мана шу оддий ҳақиқатни билатуриб, кўпгина жойларда, жумладан, Тошкент вилоятида ҳам бу борада ўзгариш бўлмаётгани ачинарлидир.

(Давоми 2-бетда)

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***7 ноябр куни халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.***

***Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятининг салоҳияти ва имкониятлари катта эканлигини таъкидлади. Вилоят қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш, умуман, барча соҳаларда улкан имкониятларга эга. Ҳатто табиий шароит, тупроқ унумдорлиги, сув ва моддий ресурслар нуқтаи назаридан бошқа ҳудуд ва минтақаларга нисбатан афзал жиҳатлари кўп.

Бутун юртимизда бўлгани каби сўнгги йилларда вилоятда ҳам кўпгина соҳа ва тармоқларда, аксарият туман ва шаҳарларда муайян ўзгаришлар амалга оширилди. Айниқса, «Олмалиқ кон-металлургия», «Ўзбекистон металлургияси», «Ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар» комбинатлари, «Оҳангарон-цемент», Ангрен кўмир кони каби йирик ишлаб чиқариш қувватларига эга корхоналар нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Айни пайтда, деб таъкидлади мамлакатимиз раҳбари, вилоятда одамлар астойдил ишлаётгани, қанча-қанча жамоалар таҳсинга сазовор ютуқларни қўлга киритаётганига қарамай, вилоят ҳаётида, унинг ривожида кўпгина хато-камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бундай салбий ҳолатлар, айниқса, вилоят ва туман даражасидаги баъзи раҳбарлар фаолиятидаги лоқайдлик ва ўзибўларчилик кайфияти кишиларнинг норозилиги ҳамда эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Вилоятда аксарият саноат корхоналари ҳозиргача бозор иқтисодиётининг кескин талабларига мослаша олмаётгани туфайли 37 корхонада ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига йўл қўйилган. Бу эса салкам 77 миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилишига олиб келган. Хорижий сармоядорлар иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг 43 таси фаолият кўрсатмаяпти.

Шу йилнинг 9 ойи давомида вилоятга ўзимизда тайёрлаш ёки ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлган тўқимачилик маҳсулотлари, цемент, гипс, алебастр, совун ва кир ювиш воситалари, ўсимлик ёғи, чинни ва сантехника буюмларининг кўплаб миқдорда четдан олиб келингани ҳисобига импорт ҳажми 143 фоизга кўтарилиб кетган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни кенг ва изчил амалга ошириш, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш жабҳасида ҳам жиддий оқсашлар кўзга ташланмоқда. Фермерларнинг ялпи ҳосилни етиштиришдаги улуши республика миқёсида пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам 70 фоизни ташкил этгани ҳолда, Тошкент вилоятида бу кўрсаткич пахтачиликда 43 фоиз, ғаллачиликда эса 40 фоиздан ошмаяпти.

Жорий йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарида қорамоллар сони ўтган йилга нисбатан 2,5 мингтага камайгани чорвачилик тармоғида ишларнинг тўғри йўлга қўйилмаганидан далолатдир. Вилоятда ер ресурсларини талон-торож қилиш билан боғлиқ қатор нохуш ҳолатлар аниқланган. Қурилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ижтимоий соҳалар ривожи ҳам талаб даражасида эмас, деб таъкидлади Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Козим Тўлаганов Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Бекобод тумани ҳокими бўлиб ишлаб келаётган Мирзамашрап Куччиев Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

(Давоми 2-бетда)

# «ШАРҚ ГЎЗАЛИ» - ЯНА ТОШКЕНТДА

***Одамзод қадимдан ернинг тортиш кучини енгиб, қуш сингари парвоз этишни орзу қилиб яшайди. Тошкентда бўлиб ўтган «Шарқ гўзали-2005» бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи иштирокчилари бу орзунинг ҳақиқатга айланиши мумкинлигини ўз чиқишлари билан исботлади. Мусобақа Халқаро гимнастика федерацияси, Ўзбекистон Бадиий гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилди.***



Спортнинг мазкур тури бўйича бундай нуфузли турнир Ўзбекистонда иккинчи бор ўтказилмоқда. Мақомига кўра у Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатига яқин бўлиб, Жаҳон кубоги мусобақалари олти босқичининг бири ҳисобланади. Жорий йилда мазкур мусобақаларнинг дастлабки уч босқичи Франция, Россия ва Озарбайжонда ўтказилди. Халқаро гимнастика федерациясининг бу йил ҳам навбатдаги босқични Тошкентда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганига етарли асослар бор.

Президент Ислом Каримов ёш авлодни баркамол, маънан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда болалар ва ёшларни спорт билан фаол шуғулланишга оммавий жалб қилиш тизими ташкил этилган. Мунтазам ўтказиб келинаётган мактаб, коллеж ва лицей ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», талабаларнинг «Универсиада» ўйинлари ушбу узлуксиз тизимнинг бўғинларига айланган. Давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ, бу соҳани кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иродаси кучли, собитқадам ёш авлод ўсиб улғайди. Улар энг нуфузли халқаро мусобақаларда ўз спорт маҳоратини кўп бор намойиш этиб, Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилмоқда.

(Давоми 4-бетда)

*Қурултойдан кейинги ўйлар*

# ФЕРМЕР ИБРАТИ

**Парда ЗИЁТОВ, Жиззах тумани «Қуёшсевар Парда» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони:**

– Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойида ҳисобот даврида амалга оширилган кенг кўламли ишлар, ютуқ ва камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар билан бирга фермерларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, оиласи, фарзандлари, меҳнат шароити, дам олиши ҳақида ҳам алоҳида гап борди. Энг муҳими, биз пахтакорлар қўлга киритган меҳнат муваффақиятда оммавий жамоат ташкилоти – касаба уюшмаларининг ҳам ҳиссаси борлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ҳа, биргаликдаги саъй-ҳаракат, ўзаро ҳамжиҳатликда олиб борилган ишлар ютуқлар омили бўлганлиги айни ҳақиқатдир. Қолаверса, бу йил пахта йили бўлиб, Ватанимиз пахтачилиги тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолиши шубҳасиз. Республикамиз деҳқонлари мамлакатимиз тарихида биринчи марта октябр ойининг биринчи ярмида юксак марраии эгалладилар. Қувончли томони шундаки, ҳосилнинг 100 фоизи юқори сифатга топширилди. Бу улкан ғалабада вилоятимиз пахтакорларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан бехад мамнунмиз. Мавжуд 106 минг 400 гектар майдондан 234 минг тонна оқ олтин йиғиштириб, 20 иш кунида йиллик шартномавий режа ошириб бажарилди. Эришилган ғалабанинг бош омили аввало одамлар дунёқараши ва тафаккуридаги ўзгариш, қолаверса, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардир. Вилоятимизда иқтисодий зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари ўрнига давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 5668 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Бу борада Жиззах мактаби яратилишига асос солинди. Фермерларга эътибор кучайтирилди. Пул маблағи билан таъминлаш яхшиланди. Банклар томонидан имтиёзли кредит ажратилиб, техника, ёнилғи, ўғит ва иш ҳақи тўловлари ўз ўрнида ҳал этилиб, ортиқча оворагарчиликларга барҳам берилди. Шунингдек, фермерлар билан етук мутахассислар ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, илғор фан-техника ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бундан ташқари, фермерларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида касаба уюшмалари билан ҳамкорлик яхшиланди.

Шу билан бирга, касаба уюшмалари йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этиш, илғорларни рағбатлантириш, пахтакорлар муносиб дам олиши учун камарбаста бўлди. Иш ҳақининг даланинг ўзида берилиши, бепул иссиқ овқат, биринчи тиббий ёрдам, ёзувчи ва санъаткорлар билан ташкил этилган учрашувлар, қўйингки, моддий манфаатдорлик ҳашарчи ва теримчилар кучига-куч қўшди. Бундай юмушларни амалга ошириш учун касаба уюшмалари ҳисобидан 7 миллион 200 минг сўм маблағ сарфланди.

Қурултойда фермерларга кўрсатилаётган ана шундай имтиёзлар билан бирга долзарб муаммолар аниқ мақсадли режалар ҳам илгари сурилди. Жумладан, ҳисобот даврида бир қатор касаба уюшма Марказий кенгашларида аъзолар сони камайиб кетганлиги танқид қилинди. Менимча, бугун биз уюшма аъзоларининг маънавияти, дунёқарашига ҳам назар ташлашимиз лозим. Қолаверса, қайсики тармоқда аъзолар сони камайиб кетган экан, бунда биринчи навбатда ўша ташкилот етакчилари айбдор деб биламан. Негаки, улар одамлар ишончини оқламаган. Шундай экан бугун қурултойда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, аввало касаба уюшма аъзолари билан бевосита мулоқотда бўладиган бошланғич ташкилот фаолиятини яхшилашимиз, уларнинг жанговорлигини таъминлашимиз керак.

# КОМПЕНСАЦИЯ ОЛИШИМ МУМКИНМИ?

## Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Ахмедов жавоб беради

**Биздан сўраган эдингиз**

***Савол: касбим журналист. 1 йил журналистлик, 14 йил ўрта мактабда ўқитувчилик қилдим. Компенсация олишга ҳақлиманми?***

**М.ХАЙИТОВА,**
**Музработ тумани**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 апрелидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисидаги Фармонига биноан энг кам иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари берилиб келаётган эди. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб, уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари энг кам иш ҳақига нисбатан табақалаштирилган миқдорларда бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янгиланган рўйхати асосида қуйидагиларнинг иш ҳақига қўшиб берила бошланди:

— педагогик маълумотга эга ўқитувчилар, тарбиячилар, мудиралар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, инструктор-методистлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари концертмейстрлари, тренер стажига эга тренер ўқитувчилари;

— педагогик маълумотга эга тарбиячилар, барча типдаги умумий таълим мактаблари концертмейстрлари;

— педагогик маълумотга эга Меҳрибонлик уйи психологлари, тарбиячилари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари;

— педагогик маълумотга эга тарбиячилар, ўқитувчилар, мудиралар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-болалар боғчаси психологлари;

— педагогик маълумотга эга ўрта махсус таълим академик лицейлари, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлари, методистлари, тарбиячилари, концертмейстрлари;

— педагогик маълумотга эга барча типдаги мактаб ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрлари;

— профессор ўқитувчилар таркиби, ректорлар, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлар, филиалларнинг директорлари ҳамда ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, олий ўқув юрти ҳисоб маркази бошлиқлари, инженерлари;

— бировнинг ёрдамига муҳтож ёлғиз пенсионерлар ва юқорида қайд этиб ўтилган шахслар 10 йиллик педагогик стажга эга бўлган пенсионерларга ҳам компенсация пули ойлик пенсияларига қўшиб берилади.

Педагогик маълумотга эга эмаслигингиз туфайли компенсация пул тўловлари олишга ҳақли эмассиз.

***Савол: мен 2003 йил меҳнат нафақасига чиқдим. Нафақамдан кейин ишлаётган иш стажим ва иш ҳақим иш стажига қўшиладими ёки йўқми?***

**Т.ХОЛМАТОВ,**
**Яккабоғ тумани**

**Жавоб:** Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонуннинг 49-моддасида пенсияларни қайта ҳисоблаш шартлари белгиланган. Бунга кўра пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланишигача бўлган меҳнат стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда;

— ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

— боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;

— энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда;

— минтақавий коэффицент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарган тақдирда;

— даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

Пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун ана шундай ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейин исталган вақтда мурожаат этишлари мумкин. Ушбу қонун пенсия тайинлангандан сўнг орттирилган меҳнат стажини ва иш ҳақини ҳисобга олиб қайта ҳисоблашни бекор қилади.





*Тошкент шаҳар Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма Кенгашида тармоқ етакчилари, фаолларининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойи якунларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

*Марказий Кенгаш раиси Чори Шодиев йиғилганларга қурултойда касаба уюшмалари олдига қўйилган долзарб масалалар, ечимини кутаётган муаммолар, делегатлар томонидан илгари сурилган қимматли таклифлар ҳақида гапириб берди. Бошланғич ташкилотлар жанговорлигини ошириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда тинч, осуда ҳаётни таъминлашдек ўта муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиш хусусида алоҳида тўхталди.*

*Давра суҳбати иштирокчилари ўзларини ўйлантираётган саволларга атрофлича жавоб олдилар.*

**Суратларда: давра суҳбати иштирокчилари.**

**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

# ЯШИРИН ЦЕХЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Каттақўрғон шаҳрида Вазирлар Маҳкамасининг Нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланишини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Масалан, шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган қисқа муддатли текширишларнинг аксариятида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Уларга нисбатан 8227 минг сўм миқдорида молиявий жарималар қўлланилди. Жумладан, шаҳарнинг Қорадарё кўчасида жойлашган «Умидвор» хусусий фирмасига тегишли дорихонада 54,8 минг сўм маблағ банкка топширилмаган ва ҳисоботда кўрсатилмаган. Миралиев кўчасида жойлашган «Тўпанисо-ая» хусусий фирмаси сотувчиси ҳам харидорга чек уриб бермаганлиги учун жазоланди. Шунингдек, О.Жониев, Ф.Нарзуллаевларга қарашли дўконларда ҳам бир талай камчиликлар аниқланиб, уларга қонунда кўрсатилган тартибда молиявий жарималар солинди.

Шунга доир қонунлар ижроси юзасидан 40 та текшириш ўтказилиб, 136 литр спирт ва 718 минг сўмлик спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Шаҳар ҳудудида 42 та яширин цех фаолият кўрсатаётгани аниқланди. Шулардан 17 тасида озиқ-овқат, 5 тасида ўсимлик ёғи, 1 тасида спиртли ичимлик, қолганида эса ҳеч қандай сифат сертификатига эга бўлмаган ноозиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланган. Улардан жами 410 минг сўм миқдорида моддий товар бойликлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди ва айбдорларга нисбатан молиявий жарима қўлланилди.

**Д.ҚЎЧҚОРОВ,**
**Каттақўрғон шаҳар ДСИ бошлиғи**

*Қонун барчага баробар*

# ШОХИДАМАС БАРГИДА

***Орамизда бармоқ билан санарли бўлсада, шундай нусхалар борки, хатти-ҳаракатлари сира-сира одам боласига мос эмас. Улар ор-номус, меҳр-шафқат, раҳмдиллик сингари фазилатларни тан олмайдилар ва тушунмайдилар. Уйчи туманида туғилган Бозорбой Турғунов ана шундайлардан бири бўлиб чиқди.***

У ўзининг 54 ёшлик умри давомида олти марта судланган ёки ҳаётининг 30 йилини қамоқда ўтказган. Бундай таржимаи ҳолга эга одам қаерда ҳам ишларди-ю, уни ким ҳам ишга оларди!

Бозор 19 ёшидаёқ жиноятга қўл урди ва уч йилга озодликдан маҳрум этилди. Ёшликда бир адашибди, чиқиб келгач, ўзини ўнглаб олар, дейишди. Лекин бунинг акси бўлиб чиқди. Сал ўтмай, янгидан жиноят содир этиб, яна икки йилга қамалди. Хуллас, у сўнгги жиноятга қўл урмагунча олти марта судланиб улгурди. Бу даврда қанчадан-қанча бечораларнинг пешона тер билан топганига кўз олайтирди, давлат мулкига зиён етказди, кишилар соғлигини ишдан чиқариб, хотин-қизларни бахти қаро қилди.

Охирги марта озодликка чиққанида қариндош-уруғлар, маҳалла оқсоқоллари олдида кўз ёши тўкиб тавбасига таянганлиги, ҳалол яшашга қарор қилганлигини билдирди. Унга ишонишди, қўллаб-қувватлашди, ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак кўрсатишди.

Аммо Бозорнинг тавба-тазарруси ва кўз ёшлари сохта бўлиб чиқди. Янги умр йўлдоши Фотима Йўлдошевага дастлабки кунлардаёқ зулм ўтказа бошлади. Ароқ учун пул топа олмаган кунлари эса Фотимани кимларгадир тухмат қилишга мажбур қилди. Хусусан, Турғунпўлат исмли кишига қарши тухмат аризаси ёздириб, пул талаб қилди. Уни прокуратурага топшираман, дея қўрқитмоқчи бўлди. Сал ўтмай, шундай қилди ҳам. Бироқ ўтказилган текширув ва суриштирув давомида тухмат фош бўлиб чиқди.

Фотима ўрнига Роҳат Абдураҳмоновага уйланган Бозор олдинги хатти-ҳаракати ва қилиқларини давом эттирди. Орадан кўп вақт ўтмасданоқ Бозор Роҳатойни ҳам дўппослашга киришди. Аёл баданининг бирон жойи кўкариб ёки кўзининг қонталаш юришлиги одатий ҳолга айланди. Шу йилнинг 13 май куни юз берган воқеа эса ҳаммасидан ошиб тушди ва у Бозорнинг инсоний қиёфасини йўқотганлигини, икки оёқли ваҳшийга айланганлигини кўрсатди.

Анчадан бери ота-онасидан хабар топмаган аёл меҳрибонларини кўриб кечга яқин уйга қайтди. Ароққа тўйган Бозор уни ўлжасини пойлаган қоплондек кутмоқда эди. Шу боис эшикдан кириб, салом бериши ҳамон юз-кўзи аралаш тушган залвордек мушт уни ерга қулатди. Бозор уни аёвсиз тепкилади. Ниҳоят, Роҳатда жон асари қолмагач дўппослашдан тўхтади.

Наманган вилоят суд-тиббиёт экспертизасининг 2005 йил 19 май куни ўтказган хулосасига кўра 1974 йилда туғилган Роҳат Абдураҳмонова танасининг бирон қисмида соғ жойи қолмаган. Боши, жигари ёрилган, қобирғалари синган эди. Шафқатсиз Б.Турғунов қилмишига яраша жазога тортилди.

**Т.КАРИМОВ,**
**Наманган вилоят прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси**

# ҲАММАСИ ИЧКИЛИКДАН БОШЛАНДИ

***Шу йил бошида жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судида фуқаро А.Ражабовнинг қотиллик ҳаракатини содир қилган иши кўриб чиқилди. Маълум бўлишича Алишер олий маълумотли, муқаддам судланмаган, бир неча йиллар Урганч ҳарбий билим юртида намунали хулқи билан меҳнат қилиб, жамоанинг ҳурматини қозонган. Ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтаб, байналмилалчи жангчи бўлган.***

У ўтган йилнинг 12 декабр куни таниши Ш.Эшжоновни ўлдириш мақсадида танасининг турли жойларига пичоқ уриб, тан жароҳати етказади. Лекин жабрланувчи бахтли тасодиф ва тиббиёт ходимларининг саъй-ҳаракати туфайлигина омон қолди.

Хўш, Алишер нима учун уни ўлдирмоқчи бўлди. Судланувчи воқеа содир бўлган куни тушдан кейин кўчада жабрланувчини учратиб қолади. Улар дўкондан спиртли ичимлик харид қилган ҳолда Ш.Эшжоновнинг уйига боради. Дастлаб коньяк билан бошланган маишат кейинчалик ароқ ва винога айланади. Натижада захри қотил уларнинг феълини айнитади. Орада жанжал чиқади. Дастлаб уй соҳиби дастурхон устида турган пичоқни олиб, А.Ражабовнинг оёғига уради. Бундан дарғазаб бўлган Алишер шеригини уриб йиқитади ва пичоқни тортиб олиб, санчади.

Судланувчининг шахсига эътибор қиладиган бўлсак ёши 40 ларга бориб қолганига қарамасдан уйланмаган. Топган пулига кайф-сафо қилиб юрган. Жабрланувчи эса оиласи билан ажралишгач, бир неча йиллардан бери ёлғиз яшайди.

Спиртли ичимлик шубҳасиз одамни йўлдан уради. Уни турли жиноятлар сари етаклайди. Урганч шаҳрида яшовчи Ў.Отажонов қўшниси Эркин аканинг уйида зиёфатда бўлиб, ароққа роса тўяди. Қўшниси гап орасида уйидаги канализацияни янгилаш кераклигини, бунинг учун қувур ва пайвандлаш аппарати зарурлигини айтади. Кайфи ошган Ўктам «эртага қувур ҳам, пайвандлаш аппарати ҳам уйингизда бўлади, мулла жирингги бўлса, бўлгани» дейди. Улар қўл ташлашиб, келишиб олишади. Шундан кейин Отажоновнинг хаёллари қўшниси Абдулла Матёқубовнинг томидаги шифер остига қўйилган қувурларга бориб тўхтайди. Ярим тунда жиноятчи қўшнисининг томига чиқади ва у ердан қувурларни ўғирлаб тушираётганда уй эгаси ва қўшнилар томонидан ушланади.

Ў.Отажонов суд мажлисида Эркин аканинг уйидан маст ҳолда чиққанини, ундан кейинги воқеалар билиб-билмай содир этилганини айтади. Лекин жиноят содир бўлганди. Энди уни оқлаб бўлмайди. Урганч шаҳар, Наманган кўчасида яшовчи Зуҳра Мадраимова ҳам спиртли ичимлик ичган ҳолда ўғирлик содир қилди. Яъни у туғилиб ўсган уйига боради. Яқин қариндошлари билан туғилган кунини шу ерда нишонлайди. Ярим тунгача ароқ ичиб, кайф-сафо қилишади. Меҳмонларни кузатиб қўйгач, ён қўшниси Малика Ёқубованинг уйига киради ва унга тегишли турли хил рўзғор буюмларни ўғирлаб чиқади... Ана энди билмайин босдим тиконни, деб минг бора пушаймон бўлмоқда.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# АСКАРЛАР ҲАЁТИДА УНУТИЛМАС КУН

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисм ўқув марказида ёш аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ота-оналар, уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.***

Тадбирда Қоровул қўшинлари бош бошқармаси вакили подполковник Ихтиёр Худайназаров, мазкур қисм штаб бошлиғи, подполковник Бектурди Полвонов ва бошқалар сўзга чиқиб, йилдан-йилга ҳарбий хизматнинг нуфузи ортиб бораётганини ҳамда армия ёшларимизни жисмонан ва маънан камолга етказадиган ўзига хос тарбия мактаби эканини алоҳида таъкидлади.

- Йигитлар белгиланган бир ойлик ҳарбий машғулотларга қатнашиб, бошланғич ҳарбий билим ва кўникмага эга бўлди, - дейди ўқув маркази гуруҳ командири, катта лейтенант Толиб Рахимов. -Энди улар тез кунда доимий хизмат ўташ жойларига - ҳарбий қисм ва батальонларга йўл олади.

- Бугун мен учун унутилмас кун. Қуролдошларим қатори халқимга, Президентимга садоқат билан хизмат қилишга онт ичдим, - дейди Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидан хизматга чақирилган оддий аскар Фарҳод Зайниддинов. - Эндиги вазифам ана шу қасамёдга содиқ бўлиш ҳамда юртимиз тинчлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш.

# ҚИЗИЛТЕПАДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

***Қизилтепа туманидаги касб-ҳунар коллежлари сони яна биттага кўпайди. Хўжа Ҳасан қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида енгил саноат коллежи фойдаланишга топширилди. Уч қаватли бу билим масканини Искандар Шаъбонов етакчилигидаги 214-шўъба корхонаси қурувчилари барпо этди.***

- Касб-ҳунар коллежимизда 11 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади, - дейди коллеж раҳбари Баҳриддин Норов. - Жами 755 ўқувчига мўлжалланган ўқув масканимизда спорт ва мажлислар заллари, маънавият хонаси ва бошқа барча қулайликлар мавжудлигидан беҳад хурсандмиз. Эндиги мақсадимиз ана шу шинам хоналарда ўқиётган ўқувчиларимизга пухта билим бериб, уларни малакали мутахассислар этиб тарбиялашдан иборат.

# МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

***Элликқалъа туманининг «Сарибий» овул фуқаролар йиғини ҳудудида янги маҳалла гузари фойдаланишга топширилди.***

«Эшонгузар» деб аталадиган мазкур мажмуа стоматология поликлиникаси, ошхона ва дўконни ўз ичига олади. Тадбиркор Ҳуршид Рўзимбетов сайъи-ҳаракати туфайли бу ерда ўндан зиёд киши иш билан таъминланди.

Шу куни ўз спорт мажмуига эга бўлган Бўстон тиббиёт коллежининг 240 ўринли замонавий ётоқхонаси ҳам ишга туширилди.

**(ЎзА)**

# МАРКАЗ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

Бундан бир неча йил илгари очилган Фарғона шаҳридаги «Ижодкор ёшлар маркази» ўтган йиллар мобайнида минглаб ўғил-қизларни касб-ҳунарга ўргатиб, ҳаётда ўз ўринларини топишга ёрдам берди.

- Марказимизда ўттизта тўгарак мавжуд бўлиб, икки мингга яқин ўқувчи турли хил касб-ҳунарларни эгалламоқда, - дейди марказ директори Ҳадичахон Абдулқосимова. - Айниқса тикувчилик, санъат, мусиқа, самолётсозлик, кандакорлик, зардўзлик, компьютер саводхонлиги каби тўгаракларимизга ёшларимизнинг қизиқиши катта. Ўқувчиларимизнинг ихтирочилик ва кашфиётчилик ишларини янада ривожлантириш, техника йўналишидаги тўгараклар тармоғини кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз.

Биз ногирон болаларни турли хил тўгаракларга жалб этишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Шаҳримиздаги ўндан зиёд маҳаллада филиалларимиз ишлаб турибди. Ўқувчиларимиз ўзларининг ижодкорлик намуналари билан турли танловларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритмоқда.

Бу йил картинг, компьютер, гиламдўзлик, машина ёзуви каби янги тўгараклар очилди. Шунингдек, миллий ҳунармандчиликни ўргатиш бўйича ҳам янги лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

**(ЎзА)**


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига 2005 йил 9 ноябрдан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича қуйидаги мулклар қўйилаётганлигини маълум қиламиз.

*2-синф бўйича, яъни ҳар 10 савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасаядиган улуш*

Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган «Ўзқурилишматериаллари» АКга қарашли «Карбонат» МЧЖнинг 30,0 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси – 35453,10 минг сўм.**

РКМБ Тошкент шаҳар филиали маклерияти орқали 2005 йил 9 ноябрдан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича қуйидаги объектлари қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ж.Остонов кўчаси, 2 «а»-уй манзилида жойлашган «LANIZ» меҳмонхонаси давлат унитар корхонаси.

**Бошланғич баҳоси – 77 207 500 сўм**

2. Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ж.Остонов кўчаси, 23-уй манзилида жойлашган «Ўзбекистон Республикаси 75-махсус бошқармаси».

**Бошланғич баҳоси – 620312,625 минг сўм**

**Ҳурмали ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг.**

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Маҳамад Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси. Телефонлар: 399 80 26, 136 26 26. Факс: 136 06 17 www/rkmb.uz**

**Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35 ва 45-хоналар, РКМБ Тошкент шаҳар филиали. Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, 144-44-72, 144-44-73**

*Эслатма: РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.*

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**2005 йил 15, 22, 29 декабр кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржаси биносида аукцион комиссияси иштирокида, бошланғич баҳоси қадам бақадам ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармаси автохўжалиги балансидаги**

1.«ИЖ-2715» русумли, давлат рақами 10 АХ 909. **Бошланғич баҳоси – 572 090 сўм.**

2.«УАЗ-452М» русумли, давлат рақами 10 АА 946. **Бошланғич баҳоси – 759 087 сўм.**

3.«ТИКО» русумли, давлат рақами 10 PP 361, **Бошланғич баҳоси – 842 895 сўм.**

4.«ГАЗ-3102» русумли, давлат рақами 10 PP 372. **Бошланғич баҳоси – 1 991 240 сўм.**

5.«ГАЗ-3102» русумли давлат рақами 10 PP 253. **Бошланғич баҳоси – 1 836 680 сўм**

6.«ГАЗ-3102» русумли, давлат рақами 10 PP 279. **Бошланғич баҳоси – 2 094 280 сўм.**

7.«ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 10 AQ 974. **Бошланғич баҳоси – 951 381 сўм.**

8.«ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 10 AO 113. **Бошланғич баҳоси – 1 281 431 сўм.**

9.«ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 10 AS 081. **Бошланғич баҳоси – 951 381 сўм.**

10.«ДЭУ-Супер салон» русумли, давлат рақами 10 PP 333. **Бошланғич баҳоси – 4 998 852 сўм.**

11.«ДЭУ Супер салон» русумли, давлат рақами 10 PP 407. **Бошланғич баҳоси – 4 620 863 сўм.**

**«FAN VA TEXNOLOGIYALAR MARKAZI»га қарашли**

«Опель-Омега» русумли, давлат рақами 10 UZ 431. **Бошланғич баҳоси – 17 296 780 сўм.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар автотранспорт бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули **«KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»**нинг Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ипотекабанк»нинг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000804265383001, КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва **«KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»**га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз: Тошкет шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1 «А»-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.**

**Маълумот учун телефонлар: 136-15-28, 399-80-23.**
**Факс: 136-06-17**

